

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУСТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ, САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ
ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРИНИНГ
ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ**

РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИК
АНЖУМАНИ

МАТЕРИАЛЛАРИ



ФАРҒОНА 2017 ЙИЛ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ
ИШЛАБ ЧИҚАРИШ, САҚЛАШ ВА ҚАЙТА
ИШЛАШНИНГ ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
ВА УЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИК
АНЖУМАНИ**

МАТЕРИАЛЛАРИ

2017 йил 20-21 апрель



Фарғона - 2017

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ФАРҒОНА ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

**“ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ, САҚЛАШ ВА ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ
ТЕЖАМКОР ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ
ИННОВАЦИОН ЕЧИМЛАРИ”**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ ВА ИЛМИЙ-ТЕХНИК
АНЖУМАНИ**

МАТЕРИАЛЛАРИ

2017 йил 20-21 апрель

2 – ҚИСМ

Фарғона - 2017

V – ШҶЪБА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИДАН ФЙДАЛАНИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ВА ЭЛЕКТРОТЕХНОЛОГИЯНИ ҚЎЛЛАШ ДОИРАСИНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

112. **М.А.Рустамов, Ф.Ф.Абдурахимов** - АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ШАРОИТИДА ЦИЛИНДРСИМОН ДЕТАЛЛАР ФАСКАЛАРИНИНГ ШАКЛИНИ ЙИГИШ ЖАРАЁНИНИНГ СИФАТИГА ТАЪСИРИ. *Фаргона политехника институти, Андижон машинасозлик институти*154
113. **О.Н.Отakhulov, S.Nomanjonov** - DEFORMATION OF SHEET IN PLANE STRESS. *Ferghana polytechnic institute*155
114. **М.М.Нишонов** - ИССИҚЛИК АЛМАШИНИШ ЖАРАЁНЛАРИНИ ИНТЕНСИВЛАШТИРИШ УСУЛЛАРИ. *Фаргона политехника институти*156
115. **М.М.Нишонов** - ИССИҚЛИК АЛМАШИНИШ ҚУРИЛМАЛАРИ ВА ЖАРАЁНЛАРИ. *Фаргона политехника институти*157
116. **Ж.М.Тўхтасинов** - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИДА ШАМОЛ ЭНЕРГЕТИКА ҚУРИЛМАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ МУАММОЛАРИ. *Фаргона политехника институти*159
117. **Ж.М.Тўхтасинов, Ш.Махмудов** - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИДА МУКАММАЛ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИШ. *Фаргона политехника институти*160
118. **Н.Н.Акрамов** - КОРХОНА ЭНЕРГИЯ ХЎЖАЛИГИДАГИ ЭНЕРГИЯ ТЕЖАШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАНГАН ОДДИЙ ВА АРЗОН ТАДБИРЛАРИ. *Фаргона политехника институти*161
119. **Ё.С.Аббосов, М.А.Умурзакова** - ҚУЁШЛИ ҚУРИТИШ УСКУНАДА ИССИҚЛИК АЛМАШИНУВ ЖАРАЕНЛАРИ. *Фаргона политехника институти*.....162
120. **Ё.С.Аббосов, М.А.Умурзакова** - ФЕРМЕРЛИК ХЎЖАЛИКЛАРДА МЕВАЛАРНИ ҚУЁШЛИ ҚУРИТИШ. *Фаргона политехника институти*.....164
121. **Ф.А.Халилова, А.А.Халилов** - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛЧИЛАРИ ЭХТИЁЖИНИ ИККИЛАМЧИ ЭНЕРГИЯ ЗАҲИРАЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ОРҚАЛИ АМАЛГА ОШИРИШ. *Фаргона политехника институти*.....166
122. **Ю.М.Мамасадиқов** - УСТРОЙСТВО ДЛЯ АВТОМАТИЧЕСКОГО РАЗДЕЛЕНИЯ КОКОНОВПО ПОЛУ. *Ферганский политехнический институт*.....168
123. **Л.К.Мамадалиева, Н.Эсоналиева** - ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИДА ҚУЁШ КОЛЛЕКТОРЛАРИ ЁРДАМИДА ЭНЕРГИЯ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ. *Фаргона политехника институти*169
124. **С.И.Зокиров, М.А.Норбўтаев** - КАТТА ХАЖМДАГИ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАХСУЛОТЛАРИНИ САҚЛАШГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ОМБОРДАГИ ХАРОРАТНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМИНИ МАСОФАДАН БОШҚАРИШ. *Фаргона политехника институти*171
125. **С.М.Абдурахмонов, И.У.Нишонов** - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Фаргона политехника институти*...173
126. **Х.М.Садуллаев** - ОҲАК ПИШИРУВЧИ ШАХТАЛИ ПЕЧНИНГ ЯНГИ ТУЗИЛМАСИ. *Фаргона политехника институти*174
127. **Р.Ж.Тоғжиев** - ШАХТАЛИ ПЕЧДА КЎМИР ЧАНГИ ЁҚИЛҒИСИДА ОҲАК ПИШИРИШ. *Фаргона политехника институти*176
128. **С.М.Абдурахмонов, И.У.Нишонов** - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАХСУЛОТЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШ ТИЗИМЛАРИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ. *Фаргона политехника институти*...178
129. **А.А.Боқиев, Н.А.Нуралиева, С.С.Султонов** - АГРАР СОҲАДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИ МЕЪЁРЛАРИНИНГ ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА БУ БОРАДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР ТАЖРИБАЛАРИ. *Тошкент ирригация ва мелиорация институти*179
130. **Д.Т.Юсупов, О.А.Назаров, А.Н.Ботиров** - ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА УЗОҚ МУДДАТ ЭКСПЛУАТАЦИЯ БЎЛГАН КУЧ ТРАНСФОРМАТОРЛАРИНИНГ

**АГРАР СОҲАДА ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯ ИСТЕЪМОЛИ МЕЪЁРЛАРИНИНГ
ИҚТИСОДИЙ АҲАМИЯТИ ВА БУ БОРАДА РИВОЖЛАНГАН МАМЛАКАТЛАР
ТАЖРИБАЛАРИ**

А.А. Боқиев, Н.А.Нуралиева, С.С.Султонов

Тошкент ирригация ва мелиорация институти

Аннотация

Мақолада электр энергияси истеъмоли меъёрларини такомиллаштиришда ривожланган мамлакатлар тажрибалари, ҳамда амалдаги меъёрий-техник хужжатлар, уларнинг иқтисодий аҳамияти ўрганилиб таҳлил қилинган.

Аннотация

В статье изучены и анализированы нынешнее состояние, внутренние возможности и экономические значения действующих, нормативно-технических документов в вопросах разработки норм потребления электрической энергии и опыт развитых стран

Ўзбекистон Республикаси Агрисаноат мажмуида олиб борилаётган ислохотлар соҳага замонавий, энергиятежамкор технология ва жиҳозларни жорий эта бориб, маҳсулот ва хизматларнинг бозордаги рақобатбардошлигини таъминлашга қаратилган.

Бу мақсадга эришиш учун эса соҳада (уруғчилик, маҳсулот етиштиришдаги агротехник жараёнлар, қайта ишлаш, саклаш, сервис хизматлари) энергия истеъмоли меъёрлари республика ҳудудларининг ўзига хос хусусиятларини эътиборга олиб, илмий асосланган ҳолда ишлаб чиқилиши ва даврий тарзда такомиллаштириб борилиши зарур.

Бундай меъёрларни замон талаблари даражасида яратилиши учун эса истеъмолчиларнинг режим кўрсаткичлари, электр истеъмолига таъсир қилувчи техник, технологик, ташкилий омиллар ва улар орасидаги боғлиқликлар тадқиқ қилиниб электр энергияси меъёрларини ҳисоблашнинг такомиллаштирилган услублари давлат стандарти даражасида яратилиши талаб этилади.

Маълумки, электр таъминоти корхоналари юридик мақомдаги ҳар бир истеъмолчи учун маълум меъёрланган лимит асосида электр энергияси етказиб беради. Агар истеъмол ушбу лимитдан ортиб кетган ҳолда шартномада ушбу корхонага нисбатан иқтисодий санкциялар қўлланилиши назарда тутилган.

Бундан ташқари энергиятежамкорлик тадбирлари натижасида корхонанинг технологик жараёнлари учун электр энергияси истеъмоли ҳар йили маълум фойизга (5-7%) камайтирилиши режалаштирилади. Маълумки электр энергияси истеъмолини ҳисобга олиш асосан тижорат нуқтаи-назаридан олиб борилиб, бунда энергия ҳисоби таъминотчи корхоналар билан ҳисоб-китоб қилиш мақсадида амалга оширилади.

Аммо, электр энергияси истеъмолини ҳисобга олишнинг техник нуқтаи-назардан ҳисоби деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, ушбу услуб европа иттифоқи давлатлари корхоналарида кенг жорий этилган. Бунда жиҳозлар энергия сарфини ҳисобга олувчи ҳисоблагичлар, ҳар бир маҳсулот бирлигига нисбатан энергия истеъмолини ҳисоблаб, ушбу кўрсаткич меъёрдан ошган захоти бу борада тегишли ахборот бериб боради. Натижада электр энергиясининг истеъмол кўрсаткичлари бирлик маҳсулотга нисбатан талаб даражасида бўлиши таъминланади.

Ривожланган мамлакатлар аграр соҳасида электр энергияси истеъмоли меъёрларини ўрганиш ва таҳлил қилишда, асосан электр энергиясини ишлаб чиқариш, етказиб бериш шароитлари, техник-технологик параметрлари, истеъмолчи томонидаги асосий жиҳозларнинг техник параметрлари ва бошқа томонларга асосий эътибор қаратилди.

АҚШда ёнилғи-энергетика комплекси ривожидида давлат таъсирини кучайтириш мақсадида федерал энергетика вазирлиги ташкил этилган. Ушбу вазирликда энергия

тежамкорлик масалалари билан шуғулланадиган алоҳида вазир ўринбосари лавозими ташкил этилган. [1]

Японияда энергиядан самарали фойдаланиш масалаларига жуда катта эътибор қаратилган. Яқин ўн йилликда ушбу мамлакат муқобил энергия (қуёш, геотермал, тўлқин ва х.к.) манбаларидан кенг миқёсда фойдаланишни йўлга қўйиш билан бирга бирлик маҳсулотга сарфланаётган электр энергия сарфини 3-5% гача камайтиришга қаратилган давлат дастурларини қабул қилган. [1]

Буюк Британияда маиший секторда-биноларни иссиқлик изоляциясини такомиллаштириш хисобига - 20%гача, металлургия саноатида – 9% гача, машинасозликда – 8% гача, кимё саноатида – 9% гача, енгил ва озик овқат саноатларида – 8% гача энергетика ресурсларидан самарали фойдаланишнинг заҳира имкониятлари мавжудлиги аниқланган.

Францияда Саноат вазирлиги доирасида кенг ваколатларга эга бўлган энергияни иқтисод қилиш агентлиги самарали фаолият олиб бормоқда. Ушбу мамлакатда энергиятежамкорлик бўйича тегишли қонун қабул қилинган бўлиб, унинг асосида қатор ҳукумат декретлари чиқарилган. Франция давлати соноати олдига маҳсулот энергияҳажмдорлигини доимий камайтириб бориш масаласи қўйилган.

Германияда энергия ресурсларидан самарали фойдаланиш масалалари билан шуғулланадиган ҳукумат, илмий-тадқиқот марказлари, ишлаб чиқариш фирма ва компаниялари вакилларидан иборат таркибда махсус ишчи гуруҳ доимий фаолият юритади. Ушбу саҳада қабул қилинган қонунга кўра энергиятежамкор технологияларни жорий этишга қаратилган лойиҳалар ҳукумат томонидан 30% гача ҳажмда рағбатлантирилади. Бунинг натижасида кейинги ўн йилликда маҳсулотнинг энергияҳажмдорлиги кўрсаткичлари сезиларли даражада камайган. Юқоридагилардан кўриниб турибдики дунё мамлакатларида маҳсулотларнинг энергияҳажмдорлигини камайтириш асосий муаммолардан бири бўлиб турибди.

Европа иттифоқи давлатларининг 15 аъзосидан 10 тасида энергиятежамкорлик дастурларини молиявий қўллаб-қувватлаш давлат қонунчилигида тегишли тарзда белгилаб қўйилган.

Айрим давлатларда йирик энергия истеъмолчилари бўлмиш корхоналар бошқарув таркибида мажбурий тарзда энергетика менджери лавозими киритилиши талаб этилган. Бу ўз навбатида ушбу корхоналар учун энергиятежамкорлик бўйича молиявий имтиёزلарга йўл очади. Масалан Италияда шу усул қўлланилади.

ХУЛОСАЛАР

1. Этиштириладиган, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар учун электр энергия сарфининг солиштирма меъёри илмий асосда даврий такомиллаштирилиб борилиши шарт;
2. Энергия сарфи меъёрлари этиштирилаётган, ишлаб чиқарилаётган ёки кўрсатилаётган хизмат бирлигига қаратилиб, бирлик маҳсулотга нисбатан ресурстежамкорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилиши мақсадга мувофиқ.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Опыт стран Европы и Азии в энергосбережении // Энергосовет. – 2010. – № 5. – С. 9–13.
2. Electricity Supply in Denmark. Statistics, 1995. Associations of Danish Electric Utilites, 1996.